

Новый подход к лечению анемии у новорожденных

**Чакалоклар камконлигини
даволашдаги янгича ендошиш**

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги

Тиббий Илмий Кенгаши

ДИТК шинг илмий тиббий
ахборот бўлими

Министерство Здравоохранения
Республики Узбекистан

Ученый Медицинский Совет

Отдел научной медицинской
информации ГНМБ

АХБОРОТ ХАТИ

ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО

Қайд куни 25.10.2004

№ 0167

**Чақалоқлар камқонлигини даволашдаги янгича
ёндошиш**

«Тасдиқлайман»

Тиббий Илмий Кенгаши

Раиси, Ўзбекистон

М.С. Абдуллаев

2004 й. «23» сентябрь

9 - сонли баённома



Неонатологлар, педиатрлар, гематологлар ва терапевтлар учун

Кириш. ЖССТ маълумотларига кўра (2001) ер шари аҳолисининг ярмида камқонлик бўлиб, шулардан 98 фойизи төмیر танқислиги камқонлигини (ТТК) ташкил этади. ТТК кўп учрайдиган мамлакатлар қаторига Ўзбекистон ҳам киради. ТТК болалар, туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек ўсмирлар ва қарияларда кўп учрайди (Сулейманова Д.Н. ва б., 2000, Бахрамов С.М. ва б., 2002). Шу туфайли ТТК инсон, оила ривожланишига, давлат иқтисодиётiga, қудратига, ҳамда халқ келажагига ва кадрлар салоҳиятига таъсир этувчи катта муаммога айланган.

ТТК келиб чиқиши сабаблари ва унинг ривожланиши, клиник белгилари, ташҳиси ва аҳоли орасидаги тарқалиши ҳар томонлама ва кенг ўрганилган. Ҳозирги кунда энг катта муаммо уни даволаш ва соғломлаштириш бўлиб турибди.

ТТК пайдо бўлиши алиментар, сурункали қон кетишлар, темирнинг кўп сарфланишигагина боғлиқ бўлмасдан, шунингдек ошқозон – ичак тизимидағи ўзгаришлар, шу қатори кенг тарқалган сурункали (нафас йўллари, буйрак, жигар ва бошқа) хасталикларга ҳам боғлиқ. Бу сабабларни эътиборга олган ҳолда антианемик препаратларни яратиш аҳоли ичидаги ТТК ни даволашда ва унинг оддини олишда катта ёрдам беради (Арипходжаева Ф.А. ва б., 1998, Фармонкулов Х.К. ва б., 2001).

ТТК патогенетик давоси темир препаратини тавсия этишдир. Ферро препаратлар яратиш компанияларининг асосий мақсади, ҳамда катта

иностилиши, кам асорат берадиган ва эффектив темир препаратларини ишлаб чиқаришга қаратилган. Аптека тармоқларида кенг тарқалган ферропрепаратлар икки валентли темир тузларидан (күпроқ сульфат, лактат, хлорид тузларидан) иборат. Ошқозон – ичакдан икки валентли темир канал ҳосил қилиб ва актив биохимик йўл билан сўрилади. Сўрилишда турли хил асоратларни юзага чиқаради (Fairbanks, 1987; Торшин С.П ва ҳамм., 1990). Шунинг учун аптекаларда ва беморлар истеъмолида асорати кам бўлган темир препаратлари сақланиб, фармакотерапия соҳасида ўз ўрнини топади (Л.И. Идельсон, 1981; Ю.Г. Митерев ва б., 1989; С.М. Баҳромов ва б., 1999; П.А. Воробьев, 2001; А.А. Бугланов ва б., 2001; Л.И. Дворецкий, 2003).

ТТК ни даволашда темир препаратларининг етарли миқдорда ва қулай сўрилиши катта амалий аҳамиятта эгадир. ТТК давоси эффективлигининг катта муаммоларидан бири ичакда озиқ – овқат маҳсулотларидан ва темир препаратларидан темир ўзлаштирилишини яхшилашдан иборат. Шу туфайли темир ўзлаштиришини яхшилайдиган, гемоглобин синтези активлигини оширадиган антианемик препаратларни яратиш ўта мақсадга мувофиқdir. Кобавит препарати шундай антианемик препаратларга киради (Казакбаева ва б., 2000; Фарманкулов ва б., 2001; Баҳрамов ва б., 2002). Кобавит препаратининг антианемик таъсири ўсмиirlар ва катта ёшли ТТК беморларда қўллаганда асорат бермаганлигини эътиборга олиб (Фарманкулов ва б., 2001; Баҳрамов ва б., 2002), чақалоқларда камқонликни даволашда текшириб кўрилди.

М а т е р и а л в а у с у л л а р . 5–шаҳар кўптармоқли болалар шифохонасининг неонатология бўлимида эркин ҳолда танланган 31 чақалоққа кобавит препарати берилиди ва натижалари таҳлил этилди. Чақалоқлар 1 кунликдан 40 кунликкача бўлиб, ўртacha $8,2 \pm 4,4$ кунни ташкил этди.

Стационарда кобавит билан даволанган муддати 6 кундан 20 кунгача бўлиб, ўртacha $11,8 \pm 3,7$ кунни ташкил этди. Эркин танланган ҳамма чақалоқларга 5 мг кобавит таблеткасини эрталаб ва кечқурун қайнаган сувда эритиб она сути билан ичирилди. Кобавитни қабул қилиган 31 чақалоқда салбий таъсир кузатилмади. Даводан олдин ва кейин чақалоқларнинг бўйи, вазни аниқланди. Ҳамма чақалоқларда гемограмма билан биргалиқда оқсил, мочевина текширилди. Қиёсий ўрганиш учун кобавит олмаган 45 чақалоқлар назорат гуруҳи сифатида ўрганилди. Олинган натижалар чақалоқлар учун маҳсус тузилган маълумот варақасига ўтказилди. Варақа маълумотлари Excel программасига ўтказилиб, ҳисоблаш амалга оширилди.

Н а т и ж а л а р т а ҳ л и л и . Темир препаратларини ишлатиш тўғрисидаги маълумотлар етарли миқдорда таҳлил этилган, улар кўп муҳокама бўлган ва нашр қилинган (Л.И. Идельсон, 1981; В.В. Щедрунов ва б., 1989 ва б.). Ҳозирги кунгача дориларнинг кенг қўлланилиши ва етарли миқдорда ишлатилишига катта тўсқин бўладиган сабаб, темир элементининг сўрилиши пайтида пайдо бўладиган асоратларdir (Л.И. Идельсон, 1981; Торшин С.П ва ҳамм., 1990). Ёш болалардаги ТТК гини даволашда темир препарати қўллашдаги монелик шу салбий таъсирга боғлик. Адабиёт маълумотларига кўра одатда чақалоқларда темир препаратини ишлатиш ман этилади. Бу эса ёш чақалоқлар овқатидаги темирни ўзлаштириш жараёнини яхшилайдиган шароитни юзага келтиришни тақозо этади.

Кобавит препарати жигарнинг биосинтетик активлигини оширади. Оқсил синтези активлашиши эса, темир ташийдиган мукоуз ва плазма трансферрин синтезини кўпайтиреди. Натижада озиқ – овқат ва темир препаратларидан темирнинг ўзлаштирилиши яхшиланади. Кобавит таркибидаги глутамин кислота ва витамин U гемоглобин синтезида иштирок этади. Глутамин кислота альфа – кетоглутар кислотага айланиб янтар кислота

синтезида фойдаланилди. Метионин ҳам янтар кислота ҳосил бўлишида қатнашади. Витамин U эса метиониннинг актив кўринишидир. Ҳосил бўлган янтар кислота глицин билан бирлашиб гем синтезини бошлаб беради. Ундан ташқари кобавит темирнинг ички заҳирасининг тикланишига ҳам ёрдам беради. Кобавит ошқозон ва ичак шиллиқ пардаси учун цитопротектор ҳисобланиб, табиий ҳимоя жараённи яхшилади. Антианемик препарат — кобалтнинг цинк, селен ва темир ўзлаштиришида ижобий таъсири исботланган (Кокуева О.В. ва ҳамм., 1974; Суворов И.М. ва ҳамм., 1982; Фармонкулов Х.К ва ҳамм., 2001). Кобавит цинк сўрилишини 53,3%, кобавитни 63,6% ва селенини 31,5% яхшилади (Исамухамедова Л.Ж., 2003). Витамин U энергияга бойдир, ундаги биргина метил гуруҳи ажралиши 12 ккал/моль беради ва организмда темир ўзлаштириш жараёнидағи энергия эҳтиёжини қоплади. Беморда астенизация (тез чарчашлик, терлаш ва бошқалар) камаяди, клиник яхшиланиш юзага келади (Акбаров А.Б ва ҳамм., 1994; Бахрамов ва б., 2002).

Кобавит препарати 31 чақалоқда берилди. Қиёсий ўрганиш учун 45 кобавитсиз даволанган чақалоқлар танлаб олиниди. Икки гуруҳ чақалоқлар витамин B₆, витамин B₁₂, плазма, альбумин, ва бошқа турдаги компонент гемотерапия билан даволанган. Биринчи гуруҳ чақалоқларга кўрсатилган давога қўшимча 5 мг кобавит таблеткасини эрталаб она сути билан ичирилди. Даводан олдин ва кейин олинган маълумотлар ўрганилди (1 – жадвал).

1 – жадвал

Даводан олдин ва кейин олинган маълумотлар

| Аниқланган маълумотлар | Кобавит олган гуруҳ | | Назорат гуруҳ | |
|------------------------------|---------------------|------------------|------------------|------------------|
| | Даводан олдин | Даводан кейин | Даводан олдин | Даводан кейин |
| Бўйи, см | 49,7±4,5 | 51,2±4,05 | 52,2±2,05 | |
| Вазни, грамм | 2933±704 | 3287±568 | 3109±439 | 3430±487 |
| Гемоглобин г/л | 104,4±14,4 | 139,1±19,6 | 118,8±23,2 | 95,7±8,9 |
| Эритроцит $10^{12}/\text{л}$ | 3,3±0,33 | 4,1±0,37 | 4,2±0,58 | 3,3±0,4 |
| Лейкоцит, $10^9/\text{л}$ | 8,84±2,9 | 8,07±1,5 | 7,58±1,7 | 7,5±1,9 |

Олинган маълумотларга кўра бўй ва вазни кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Гемоглобин миқдори ва эритроцит сони кобавит олган гуруҳда сезиларли ошган. Даводан олдин гемоглобин $104,4\pm14,4$ г/л, эритроцит сони $3,3\pm0,33 \cdot 10^{12}/\text{л}$ бўлса, даводан кейин гемоглобин миқдори $139,1\pm19,6$ г/л, эритроцит сони $4,1\pm0,37 \cdot 10^{12}/\text{л}$ аниқланган. Кобавит олмаган гуруҳда гемоглобин миқдори ва эритроцит сони ($118,8\pm23,2$ г/л, $4,2\pm0,58 \cdot 10^{12}/\text{л}$ тегишлича) аксинча, даводан кейин камайган ($95,7\pm8,9$ г/л, $3,3\pm0,4 \cdot 10^{12}/\text{л}$ тегишлича). Олинган маълумотда кобавит олган гуруҳда оқсил модда даводан кейин $63,8\pm5,9$ г/л дан $67,5\pm2,7$ г/л гача кўпайган, бу унинг ижобий таъсирини кўрсатса, мозевинанинг нормал кўрсаткичларда қолиши ($6,3\pm2,3$ мкмоль/л ва $7,2\pm2,3$ мкмоль/л) чақалоқ организмига унинг салбий таъсирини инкор этади.

Шу билан бир қаторда икки гуруҳ чақалоқларда гемоглобин миқдорининг ва эритроцит сонининг даволаш мобайнида ўртача, ҳамда кунлик ўсишлари ўрганилди (2 – жадвал).

Гемоглобин ва эритроцитнинг даволаш давомида ўртача умумий ва кунлик ўсиши

| Олингани маълумотлар | Кобавит олган гуруҳда(ўртача) | Кобавит ва гемотрансфузия ўртача | Кобавит олмаган назорат гурух |
|---|-------------------------------|----------------------------------|-------------------------------|
| Гемоглобин г/л | $15,85 \pm 4,7$ | $42,4 \pm 17,6$ | Камайган |
| Эритроцит $10^{12}/\text{л}$ | $0,59 \pm 0,1$ | $1,06 \pm 0,46$ | Камайган |
| Кунлик Нв ўсиши г/л | $1,32 \pm 0,5$ | $3,53 \pm 1,12$ | Бўлмаган |
| Кунлик эритроцит ўсиши $10^{12}/\text{л}$ | $0,05 \pm 0,01$ | $0,088 \pm 0,02$ | Бўлмаган |

Кобавит олган ва кобавит билан гемотрансфузия олган чақалоқларда гемоглобин ($15,85 \pm 4,7$ г/л ва $42,4 \pm 17,6$ г/л тегишлича) ва эритроцит ($0,59 \pm 0,1 \cdot 10^{12}/\text{л}$ ва $1,06 \pm 0,46 \cdot 10^{12}/\text{л}$ тегишлича) даво давомида ошган бўлса, кобавит олмаган гурух чақалоқларда гемоглобин миқдори ҳам, эритроцит сони ҳам даводан кейин аксинча камайган. Шунингдек кобавит олган чақалоқларда гемоглобин ($1,32 \pm 0,5$ г/л ва $3,53 \pm 1,12$ г/л тегишлича) ва эритроцит ($0,05 \pm 0,01 \cdot 10^{12}/\text{л}$ ва $0,088 \pm 0,02 \cdot 10^{12}/\text{л}$ тегишлича) кунлик ўсиши қайд этилган бўлса, кобавит олмаган чақалоқларда гемоглобин ва эритроцит кўрсаткичлари кўпаймаган.

Х у л о с а. ТТК гини даволаш темир препаратлари билан амалга оширилади. Темир препаратларининг асоратлари туфайли ёш болаларда қўллаш монеликлар келтирса, чақалоқларда эса ман этилади. Шу туфайли чақалоқларда янги яратилган, асорати деярли қайд этилмаган антианемик препарат — кобавит қўлланилди. Кобавит билан даволанган 31 чақалоқлар, ҳамда уни олмаган 45 чақалоқлар даво натижалари қиёсий муҳокама қилинганда, антианемик препарат — кобавитнинг чақалоқларда қўлланилиши улар камқонлигини даволашда яхши ижобий натижга берди. Бу чақалоқлар камқонлигини даволашдаги янги йўналишдир.

Адабиётлар

1. Торшин С.П., Удельнова Т.М., Ягодин Б.А. Микроэлементы, экология и здоровье человека. // Успехи современной биологии, 1990, вып. 2, с 279-292.
2. Акбаров А.Б., Харитонов Ю.Я. В кн.: Бионеорганическая химия металлов, аминокислот и биокомплексов. Ташкент. 1994; 8-89.
3. Арипходжаева Ф.А., Акбаров А.Б., Валиев А.Г. и др. Эффективность применения отечественного препарата кобавит при лечении вирусных гепатитов. Информ. письмо, 1998.
4. Бахрамов С.М., Фарманкулов Х.К, Давронов М.Э. и др. Эффективность отечественного антианемического препарата кобавит. //Мед. журн. Узбекистана. 2002; 4: 38-39.
5. Исамухамедова Л.Ж., Якубов А.В., Мирварисова Л.Т. ва б. //Мед. журн. Узбекистана. 2002; 5-6: 45-46.
6. Дворецкий Л.И. Алгоритмы диагностики и лечения анемий // Русл. мед. журн.-2003.-Т.11.№8.- С.427-433.